

36-378

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ

Маънавий-маърифий, илмий-сиёсий журнал


Севиб элимизни, ўз тилимизни
Диллару дунёга бўлайлик тилмоч!



2005 ‘ 5

Божий мерос

Навоийхонлик



Сўз мулкининг хазинабони Алишер Навоий улкан ижодий мероси билан ўзбек адабий тилининг тарихан камол топишига улкан ҳисса қўшган, унинг бойлигини чинакамига намоиш эта олган мўътабар зотдир. Ана шу маънавий меросдан тўла-тўкис баҳраманд бўлиш эса катта бахт. Зотан, мустақиллик йилларида Навоийнинг “Мукаммал асарлар тўплами” нашр этилиши халқимиз учун чинакамига байрам бўлди.

Хат оти бирла зебнома

Алишер Навоийнинг ёзма мероси нафақат Ўзбекистондаги, балки жаҳоннинг Париж, Оксфорд, Рим, Кембриж, Берлин, Техрон, Машҳад каби шаҳарларидаги машҳур кутубхоналарда ҳам сақланиб келинаётгани яхши маълум.

Мамлакатимизда Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташкил топганидан буён унда Алишер Навоий асарларининг қўплаб қўлёзма нусхалари тўпланиб борилмоқда. 1952 йилда институт қўлёзмалар хазинасида сақланаётган асарларнинг айримлари нашр қилинди. Кўп жилдли “Шарқ қўлёзмалари тўплами”дан шоир асарлари ҳам ўрин олган. Кейинчалик “Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги” алоҳида тадқиқот объек-

ти сифатида ўрганилди ва шарқшунос олимлар Қ.Муниров ва А.Носиров томонидан тuzилиб, 1970 йилда чоп этирилди. Мазкур тадқиқот иши навоийшунос ва манбашунос тадқиқотчиларга муҳим, қимматли манба сифатида қўл келди. Зеро, Навоий қўлёзмалари каталогида деярли ҳар бир асарнинг кўчирилган йили, жойи, котиби хусусида аниқ маълумотлар тўпланган.

Адабий қўлёзма асарлар ва тарихий қўлёзма ҳужжатлар матнини илмий-танқидий ўрганиш ва нашр этиш билан боғлиқ ишларни ривожлантириш, хусусан матншунослик билан ёндаш библиография, манбашунослик, полиаграфия, археография, хаттотлик, герменевтика, қадимий луғатчилик, тарихий поэтика, ус-






лубшунослик соҳалари бўйича ҳам илмий изланишлар олиб бориш ниҳоятда муҳимдир.

Шу маънода Навоий асарларининг мазмун-моҳиятини теран англашни, табиийки, луғатларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Луғатлар мумтоз асарларни ўқиш ва уқиш, уларга ҳаққоний баҳо беришда кўприк вазифасини ўтайди.

Табиийки, Алишер Навоий асарларига бағишлаб кўплаб мумтоз ва замонавий луғатлар тузилган. Улар орасида энг мукам-



мали Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг лексикология ва лексикография бўлимида тайёрланиб, нашр этилган (1983–1985 йиллар) тўрт жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”дир. Бироқ ўша давр мафкурасининг таъсири остида мазкур луғатдан Навоий асарларидаги кўплаб сўз, атама ва иборалар, жумладан, тасаввуфий атамалар тушириб қолдирилган.

Шоирнинг 1499–1500 йилда ёзилган “Сирож ул-муслимин” (“Муслмонлар чироғи”) асари Ислом динининг асоси бўлган иймон ва унинг шаҳобчалари баёнига бағишланган.

Биз Алишер Навоийнинг “Сирож ул-муслимин” асари лексикасини юқорида номи келтирилган тўрт жилдли изоҳли луғатга қиёсий таҳлил қилиб кўрдик. Натижада, зебнома, мазмаза, муволот, таҳйир, ташаҳхуд, тасаддуқ, фарзият, нафсоният, хушсизлик, алҳамду каби “Сирож ул-муслимин”да қўлланилган, лекин мазкур луғатда бу каби қайд этилмаган кўплаб сўзларни аниқлашга муваффақ бўлинди.

Илмий изланишлар натижасида баъзи сўзлар, ундан олдинги манбаларда ҳам қайд этилмагани маълум бўлди. Бундай сўзлар

Навоий асарларида қандай маъноларда қўлланган бўлса, шундайлигича изоҳланди. Ҳар бир сўз ва унинг маънолари учун тегишли далиллар келтирилди. Ҳар бир мисолнинг адресати аниқ кўрсатилди. Қуйида изоҳланаётган ана шундай сўзлар намуна сифатида келтирилди:

зебнома — **чиройли хат, зебо хат:**

*Чу йўндум хомаи мумкин шамома,
Қилай деб хат оти бирла зебнома.*

мазмаза қил — **ғар-ғара қилмоқ, сув билан оғиз-томоқ йўллариини чайиш:**

*Чу бўлди мазмаза қилмоқ муқаррар,
Бил истиншоҳ ҳам мундоқ муқаррар.*

тахаккуқ — **исботга етишмоқ:**

*Бу сийли аҳкомидур қилмоқ тасаддуқ,
Яна ашёда мундоқ бил таҳаккуқ.*

нафсфармой — **нафсни тийиш, ейиш-ичишдан маълум муддатда тийилиш, нафсга эрк бермаслик:**

*Чу рўза бўлди йилда бир ой,
Анинг ижросида бўл нафсфармой.*

Сирож ул-муслимин — **асар номи; муслмонларнинг чироғи; муслмонларнинг нури:**

*Чу равшан айлар ислом аҳли зотин,
“Сирож ул — муслимин” қўйишмен отин.*

муволот — **узлуксиз равишда кетма-кет бажариш:**

*Бурун ният, яна билгил муволот,
Бори бош масҳию тартиби одат.*

тахйир — **ихтиёр бериш, эркинлик бериш:**

*Яна таркиб, яъни улга таҳрир,
Қилинди берма лек анга таҳйир.*

Бундай сўз ва истилоҳларнинг айримлари “Хамса бо ҳалли луғат”да, шунингдек шоир асарларидаги яна айрим сўзлар “Абушқа”, “Санглоҳ”, “Луғати Амир Навоий”, “Ҳалли луғат Хамсайи Навоий”, “Дар баёни луғати Навоий”, “Ҳалли луғати чиғатойи Хамсаи Навоий”, “Луғати туркий”, “Луғати атрокия” сингари мумтоз қомусий манбаларда ҳам қайд этилмаган.

Хулоса шуки, Алишер Навоий асарларида мазмун-моҳияти очиб берилмаган бундай сўзлар талайгина. Унинг асарларидаги янги аниқланган сўзлар луғатлар ва тилшунослик манбаларини тўлдириш учун хизмат қилиши керак, деб ўйлаймиз.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
филология фанлари номзоди